Тошкент ҳақиқати

РЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Вилоят ижтимоий-сиёсий рўзномаси

1992 йил 1 май • жума

№ 74 (10.323). Баҳоси 1 сўм.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ— 1 МАЙ БАЙРАМИ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

«СИЗГА БАХТДАН ТАХТ ТИЛАЙМАН»

Халқимиз орасида аждодларимиздан қолган қадимий анъаналарни тарғиб қилиш билан бирга турмушимизга сингиб кетадиган янгича урф-одатларни жорий этишга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Оҳангарон районида «Никоҳ ва туғилишни қайд этиш маросимларини ўтказиш бўйича» уюштирилган кўрик-танлов бунга мисол бўла олади.

Янги турмуш қураётганларни яхши мақсадларга йўллаш, уларга фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш мудиралари томонларидан билдириладиган истакларни мазмунан бойитиш, никоҳни қайд этиш жараёнини тантанали, келин-куёвларнинг ёдида қоладиган даражада ташкил қилишга қаратилган бу тадбирга вилоятимиздаги шаҳар ва район ФҲДЁ мудиралари, қишлоқ шўролари котибалари ҳамда ҳакамлар ҳайъати аъзолари жалб қилиндилар.

Вилоят ФҲДЁ бўлими ташкил этган ана шу кўрик илгари ҳам бир неча бор ўтказилганлигига қарамай, бу сафаргиси ўзгачалиги билан ажралиб турди. Оила қураётган ёшлар миллий либосларига алоҳида эътибор берганлиги, кўрик-танлов чоғида санъаткорлар айни никоҳ маросимига мос қўшиқларни ижро этганликлари фикримизнинг далилидир. Ана шу кўрик танловга бағишланган мақолани рўзномамизнинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

Суратларни В. ТУРАЕВ олган.

БУ СОНДА:

● ОҲАНГАРОН ПИШЛОҒИ (2-БЕТ).

● ҚАЛИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ҚОРХОНАДА (3-БЕТ).

● УВАК ҚИШЛОҒИДА КЕЙИНГИ ЙИГИРМА ЙИЛДА БИРОНТА ҲАМ ОДАМНИНГ ИШИ СУДГА, ПРОКУРАТУРА, МИЛИЦИЯГА ТУШМАБДИ (5-БЕТ).

● ТОШОРИНА ҚАРШИСИДАГИ ҚИЗ ЛАТОФАТИ (7-БЕТ).

● ЭНГ УЛУҒ БОЙЛИК АҚЛ ВА ОДОБДИР. (8-БЕТ)

● ЭҲ, «ПАХТАКОР», «ПАХТАКОР...» (8-БЕТ).

„Сизга бахтдан тахт тилайман"

Кўча-куйда безатилган машиналарда Бахт уйлари томон ошиққан келин-куёвларни кўрганимизда дилимиз қувнайди, кексаларимиз эса улар ортидан дуога қўл очадилар: «Илоё қўша қаришсин, ували-жували бўлишсин».

Икки ёш учун ҳам, уларнинг ота-оналари ва ёру дўстлари учун ҳам унутилмас бўлган бу кунни қай даражада мазмунли ва эсда қоларли ўтиши кўп жиҳатдан Бахт уйи ходимларига, уларнинг ўз ишларини ташкил этишларига боғлиқ.

Шу боис вилоятимиз шаҳар ва районлар ФҲДЁ (фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш) бўлимлари мудираларининг «Никоҳ ва туғилишни тантанали қайд этиш» маросимларини ўтказиш бўйича кўрикларини ўтказиб туриш анъанага айланган. Куни кеча Оҳангарон шаҳридаги Бахт уйида ана шундай навбатдаги танлов бўлди. Шу куни эрта тонгдан то кечга қадар бу кошонадан «Ёр-ёр»нинг ёқимли садолари тинмади. Айни пайтда бу тадбир учун Оҳангарон шаҳар ФҲДЁ бўлими бежиз танланмаганлигини таъкидламоқ керак. Негаки, Шаҳодат Буважонова мудиралик қилаётган бўлим ходимлари масъулият билан ишлайдилар, Бахт уйи кўркам, замонавий ва муҳташам бинога жойлашган. Бу ерда ташкил этилган «Ёш оила» клуби ибратли ишларни амалга оширмоқда. Тўйларимизни замонамизга мос равишда, ихчам, мазмунли ва файзли ўтказиш борасида суҳбатлар уюштириб турилади. ФҲДЁ бўлими шаҳар ижроқўми билан ҳамкорликда иш олиб бориб, йирик саноат корхоналари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Ҳар бир корхона ўз имкониятига қараб баҳоли қудрат 300 сўмдан 2 минг сўмгача маблағ ажратди, бино таъмири учун ёрдам кўрсатди.

Кўрикни кузатар эканмиз, қатнашувчиларнинг ўз ишларида қадриятларимиз ва миллийликка катта эътибор берганликлари бизни айниқса мамнун этди. Хусусан, мусиқа ва табрик нутқи танлашда ҳам, ўзлари ва келин-куёвлар либосларида ҳам — барида шарқона урф-одатларга амал қилинган.

Бу, айниқса, Ўрта Чирчиқ ФҲДЁ бўлими Ангор қишлоқ шўроси котибаси Гулсара Абдиева иш фаолиятида яққол кўзга ташланди. Гулсарахон ёшларни табриклар экан, ўз сўзини ниҳоятда таъсирли, мазмунли бўлишига алоҳида аҳамият беради. Шунингдек, келин-куёвларни рўйхатдан ўтказиш вақтида уларни табриклаш учун турмуш ўртоғи билан қўша қариб, бир қатор фарзандлар тарбиялаган, уларни уйли-жойли қилган табаррук онахонлар таклиф этиладилар. Улар ўз ҳаётий тажрибаларидан ёшларга сўзлаб бериб, аҳил ва қаноатли бўлиш борасида панд-насиҳатлар билдирадилар.

Ҳакамлар ҳайъатига Ангрен шаҳар ФҲДЁ мудираси Блухон Матаеванинг иш тажрибаси ҳам анча маъқул бўлди. Блухон мудира сифатида иш бошлаганига эндигина бир йил бўлди, холос.

— Инсон маънавий жиҳатдан бой бўлиши учун ўз устида мунтазам ишлаши керак,— дейди Б. Матаева. Иш фаолиятида эса ўзи шунга қатъий амал қилаётганлиги учун ҳам қисқа муддатда яхши самараларга эришмоқда. Унинг шу кунги танловда фахрли иккинчи ўринни эгаллаганлиги фикримиз исботидир.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари Зангиота район ФҲДЁ мудираси Шоҳиста Пўлатова чиқишини бир овоздан аъло баҳоладилар.

Дарҳақиқат, Шоҳистахон бу кўрикка анча пухта ва жиддий тайёгарлик кўрганлиги сезилиб турибди. Ўзини тутишда, ёшларга билдирган табрик нутқи, кийиниши ва мусиқа танлашдаги диди—бари барчага маъқул бўлди.

— Бахт уйлари энг табаррук даргоҳ,— деди вилоят ФҲДЁ бўлими бошлиғи Хавара Жаъфарова,—Бу ерда ишловчилар ўз касбларини ниҳоятда севишлари билан бирга, унга масъулият билан ёндошишлари ҳам керак. Бугунги кўрик вилоятимизнинг аксарият шаҳар ва районлари ФҲДЁ бўлимлари мудиралари ўз лавозимларига муносиб эканликларидан далолат берди. Хусусан, Чиноз, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Оҳангарон, Зангиота, Қибрай районлар ФҲДЁ бўлимлари яхши иштирок этдилар.

— Дарҳақиқат, янги тузиладиган оила мустаҳкамлиги, келин куёвнинг бир-бирларига меҳр-муҳаббатлари қай даражада бўлиши сизларга ҳам боғлиқ,— деди танловга якун ясар экан ҳакамлар ҳайъати раиси, вилоят Ҳокимлиги давлат ҳуқуқ бўлими мудири Сайёра Ҳўжаева.— Ўйлаймизки, бугунги чиқишларингиз фақат кўрик учун бўлиб қолмасин, ҳар кунги ишингизни бугунгидек файзли ва мазмунли ўтказинг, янада бойитиб боринг.

Умумий якунга кўра никоҳни қайд этиш бўйича Зангиота район ФҲДЁ бўлими ва Ангор қишлоқ шўроси ишлари яхши деб топилди.

Кўрикда шаҳар Ҳокими А. Расулов иштирок этди.

Зулхумор ЖЎРАЕВА.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

ФЕРМЕР — лотинча сўз бўлиб, шахсий ёки ижарага олинган ердаги хусусий қишлоқ хўжалик корхонаси маъносини англатади. Фирма—ижара ҳақи бизда давлат ва кооператив қишлоқ хўжалик корхоналарининг баъзи мустақил ишлаб чиқариш бўлинмаларига нисбатан қўлланилади. Фермерлик фаолияти дастлаб АҚШда пайдо бўлиб, кейинчалик кўпчилик мамлакатларда тараққий этди.

КОНВЕРСИЯ — асли лотинча сўз бўлиб, «ўзгариш» деган маънони билдиради. Кейинги йилларда бу сўз кўп ишлатиладиган бўлиб қолди. Қурол-яроқларни қисқартириш муносабати билан ҳарбий корхоналарнинг кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга мослаштирилиши конверсия деб таърифланмоқда.

МЕНЕЖЕР — (инглизча менеже — «бошқармоқ» сўзидан олинган) дастлабки маъноси капиталистик ишлаб чиқаришда ёлланма профессионал бошқарувчи демакдир. Бизда ҳам менежерлар, яъни ишлаб чиқаришни замонавий асосда бошқара оладиган мутахассислар тайёрланмоқда.

А. АЛИЕВ.

БОҒЛАР — БОЙЛИГИМИЗ!

МЕВАЛАР КЎПАЯДИ

ПАХТА яккаҳокимлик қилган турғунлик йилларида ҳамма нарсадан воз кечиб, фикри-зикримиз бир нарсага, қандай бўлмасин «пахта режасини» бажаришга қаратилган эди. Шунинг учун ҳам минглаб гектарга экилган боғ-роғлар йўқолди, пайҳон қилинди. Бунинг оқибатида бозорларимиздаги нарх-наво кундан-кунга ошяпти.

Бекобод ноҳиясидаги Улуғбек давлат хўжалигида эса боғларни тиклаш, кўпайтириш, кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Бу ерда икки йил аввал 27 гектар боғ мавжуд эди. Бугунги кунда унинг майдони 163 гектарга етди. Чорбоғни пудратчи оилаларга бўлиб берилгандан сўнг, айниқса ишлар ривож олди. Муҳаммаджон Зиёев, Нажмиддин Турсуновлар бошчилигидаги оилавий пудратчилар дарахтларга шакл бериш, дорилаш, қатор ораларини юмшатиш каби юмушларни бажариб, мевачевадан олинадиган мўл ҳосилга пухта замин ҳозирладилар. Шунингдек, боғнинг атрофи темир панжара билан ўраб чиқилди.

Бўлим бошлиғи ҳамда боғ бригадири Гофиржон Маҳмудов амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва асосий мақсад ҳақида қисқача шундай деди:

— Бозор иқтисодиёти бизларга қандай яшаш кераклигини ўргатяпти, десам янглишмайман. Чунки 70 йиллик хўжасизлик натижасида ердан унумли фойдаланиш, унга муносабатни тамоман унутиб қўйдик. Шу туфайли ҳам бозорларимизда тақчиллик, етишмовчилик ҳукм сурмоқда, уни тўлдириш учун тер тўкиб меҳнат қилиш керак.

Боғбонларнинг ниятлари пок, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишда боболаримиз руҳи ҳамроҳ бўлсин!..

К. БЕГМОНОВ,
Бекобод ноҳияси.

ЯНГИЛИК

ХЎЖАЛИКДА ПИШЛОҚ ЦЕХИ

НОҲИЯМИЗ марказида пишлоқ цехи ишга тушганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бу ерда ҳар куни аҳоли эҳтиёжлари учун анчагина шундай озуқа маҳсулоти тайёрланиб, етказиб берилмоқда. Эндиликда бундай корхоналарни бевосита хўжаликларнинг ўзида ташкил этишга ҳам киришилди. Бу ҳар томонлама қулайдир. Аввало, тонна-тонналаб сут узоқ масофаларга ташилмайди, корхонанинг бевосита хўжаликда ташкил этилиши унинг даромади ортишига, ўнлаб кишиларнинг меҳнатга жалб қилинишига ёрдам беради.

Пишлоқ цехларининг бири «Ўзбекистон» шўро хўжалигида қурила бошланди. Хўжалик марказидаги нон заводи ёнида қад кўтараётган бу цехнинг асбоб-ускуналарини ўрнатиш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишда уларга Ангрен сут заводининг бир гуруҳ мутахассислари ёрдам беришяпти. Корхона бош механиги Михаил Шербинин бошчилигидаги бу кўмакдошлар ўрнатилган линияларни созлашга киришдилар. Май ойида маҳсулот бериш режалаштирилган.

Цех қуввати ҳар куни уч тонна пишлоқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бундан ташқари, бу ерда музқаймоқ тайёрлаш ҳам йўлга қўйилади. Бунинг учун тайёргарлик ишлари бошланиб кетди.

О. ХУШНАЗАРЗОДА,
Оҳангарон ноҳияси.

ОВОЗИМИЗ ЖЎР БЎЛСИН

«Шарқ гули» бирлашмаси чеварлари 1 Май байрамини ўз корхоналарида нишонлашга қарор қилишди. Бирлашма маъмурияти ва касаба уюшмаси қўмитаси ишчилар истагини ҳисобга олиб байрамга тайёргарликни олдиндан бошлаб юборишди.

Бугун тонгданоқ корхона ҳовлиси карнай-сурнай садоларига тўлади. Дошқозонларда ош дамланади. Мис самоварларда чой қайнайди. Кеча кечқурун касаба уюшмаси фаоллари парник хўжалигида бўлишиб қучоқ-қучоқ чинни гуллар олиб келишган. Гуллар бугун корхона ҳовлисига шодон кириб келаётган ишчи-хизматчиларга тақдим этилади.

— Байрам ҳаражатларининг ҳаммасини корхона ўз зиммасига олди,— дейди бирлашма бош директори Раъно Отажонова,— қисқагина митингдан сўнг ишчиларни клубимизга таклиф этамиз. Бу ерда дуторчи қизларимиз, боғчада тарбияланаётган кичкинтойларимиз байрам концерти дастурини намойиш этадилар. Тушгача ош ҳам дам еб қолади. Кейин ҳаммамиз бир дастурхон атрофида ўтириб гурунглашамиз. Ўйин-кулгу кун бўйи давом этади. Ҳовлида ёрдамчи хўжалигимиз вакиллари ўз маҳсулотлари билан савдо қиладилар.

Тошкент шаҳри меҳнат жамоалари бугунги байрамни ўз кўнгилларига ёқадиган тарзда нишонлашга интиляптилар. Уларни илгаригидек ҳеч ким Бош майдонга зўрлаб олиб келмайди, байрамни олдиндан тузиб олинган дастур бўйича нишонлашга мажбур қилинмайди. Байрамни эркин, кўнгилли нишонлаш одат тусига кирмоқда. Бундан ҳамма хурсанд.

Самолётсозлар байрамни ўз маданият ва техника саройлари олдидаги майдонда оммавий сайил билан бошлайдилар. Оркестрнинг шўх куйлари байрам қатнашчиларини рақсга чорлайди. Умумий овқатланиш корхоналари ҳам шу ерга кўчиб келади. Бир пиёла чой устида ширин суҳбатлар, ажойиб тақдир эгалари билан учрашувлар бўлади.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиларидан 400 нафари бугун тонгда Бўстонлиқдаги «Кристалл» дам олиш зонасига, 150 киши эса «Чиноз» пансионати томон йўл олдилар. Улар байрамни табиат қўйнида ўтказишга қарор қилишган. Корхона касаба уюшмаси қўмитаси ишчилар истагини инобатга олиб улар учун автобуслар, қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари ажратди.

Агрегат заводи ишчилари ҳам табиатга меҳр қўйишган. Кеча улар маданият саройида тинчлик ва баҳор байрамини шодонлик билан нишонладилар. Бугун эса ёппасига дала-ҳовлиларга чиқиб кетадилар. Экин-тикинларни парвариш қилишади, сўнг дастурхон атрофида байрам шодиёнасини давом эттиришади. Бундай суҳбатлар одамларни бирбирига яқинлаштиради, меҳр-оқибатни тиклайди.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари байрам куни Бўстонлиқдаги «Қувонч» кашшофлар лагерида ҳашар ўтказишга қарор қилишган. Бугун лагернинг теварак-атрофи ободонлаштирилади, бинолар тузатилади.

— Тошкентда ҳам ишчиларни қизиқарли тадбирлар кутаяпти,— дейди шаҳар касаба уюшмалари кенгаши маданият ва спорт бўлими мудири Муҳаббатхон Мирқосимова.— Кенг майдонларимизда, маданият ва истироҳат боғларимизда оммавий сайиллар ташкил қилинади. Касаба уюшмаларининг бадиий ҳаваскорлик дасталари халқ хизматида бўлишади. Бугун ҳеч ким уйда ўтирмасин, ҳамма майдонларга, боғларга чиқсин, овозларимиз бир-биримизга жўр бўлсин.

Муҳаббатхон байрам арафасида барча корхоналар касаба уюшмалари фаоллари билан бирма-бир боғланиб, уларни айём билан қутлади, байрам қаерда қандай ўтиши билан қизиқди, зарур ёрдам кўрсатди. Касаба уюшмалари омма билан бирга эканлигини ҳамма шунда яна бир бор ҳис этди.

Ж. НОСИРОВ.

ЙИГИРМА МИЛЛАТ— ЯГОНА ЖАМОА

ЎЗБЕКИСТОН резина-техника ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳозирги қийин, иқтисодий таназзул шароитларида ҳам муайян даражада барқарор ишлаётган корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда белгиланган меҳнат марраларини муваффақиятли эгаллаш учун янги қувватларни барпо этиш, айниқса, кенг истеъмол буюмлари тайёрлашни кенгайтириш, харидоргир моллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш асосий мақсад бўлиб қолган.

Калиш ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши корхонада катта воқеа бўлди. Бу билан ўзбек халқи кўп фойдаланадиган бундай оёқ кийимига бўлган катта талабнинг қондирилишига оз бўлса ҳам улуш қўшилди. Ҳозирги вақтда ҳар куни минглаб жуфт шундай маҳсулот тайёрланиб, савдо шаҳобчаларига етказиб бериляпти. Жамоанинг бундан бошқа хайрли ишлари ҳам йўқ эмас.

Бирлашма жамоаси ўзининг байналмилаллиги билан ҳам ажралиб туради. Бу ерда ўзбегу, тожик, русу украин, татару қозоқ, бошқирду корейс ва бошқа миллат вакиллари аҳил ва иноқ бир меҳнат оиласини ташкил этишган. Ҳаммаси бўлиб йигирмага яқин миллатга мансуб ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг умумий сони тўрт ярим минг кишидан ортиқроқдир.

Байналмилал жамоа аъзолари бу йилги 1-Майни ҳам муносиб кутиб олишди. Бу қутлуғ айёмни нишонлаш юзасидан дастур ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ кўплаб оммавий ишларни ўтказиш режалаштирилди.

Бугун ишчи-хизматчилар дам олишади, фақат технологик жараён узлуксиз давом этадиган ишлар бундан мустаснодир. Айрим ишчилар, мутахассислар меҳнат қўйнида бўладилар, маҳсулот ишлаб чиқаришни давом эттирадилар. Жамоанинг аксарият кўпчилиги эса меҳнат ва баҳор айёмини ўз хоҳишларича нишонлайдилар. Илгариги вақтлардагидек мажбуран қатнашиш маросимлари белгиланмаган. Минглаб ишчи-хизматчилар оила аъзолари билан байрамона безатилган шаҳар кўчалари, майдонлари, ҳиёбонларида сайилга чиқишади.

Табиат қўйнида дам олиш истагини билдирганлар ҳам эътибордан четда қолмади. Уларнинг шаҳар атрофидаги сўлим ва гўзал табиат қўйнига боришлари учун автобуслар ажратилди. Транспорт харажатларини маъмурият, касаба уюшмаси қўмитаси ўз зиммаларига олишди.

Байрамни тўкин дастурхонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Корхона раҳбарлиги ва жамоат ташкилотлари ишчи-хизматчиларга бу мадай озиқ-овқат маҳсулоти резина-техникачиларга тарқатилмаган бўлсин. Мазкур байрам арафасида ҳам гўшт, шунингдек айрим салада ҳам кўмаклашдилар. Бунда ташкил этилган ва йил сайин кенгайтирилаётган ёрдамчи хўжалик, айниқса унинг етакчи тармоғи чорвачилик фермаси жуда асқотди. Ферма давлат ва жамоа хўжаликларидаги шундай корхоналар билан беллашадиган даражада каттадир. Икки юз бош қорамол, минг бош атрофида чўчқа, икки юз бош қўй унинг бойлиги ҳисобланади.

Бу бирлашма ишчи-хизматчиларини гўшт билан қўшимча таъминлаш имконини бераяпти. Бирор ой йўқки, сўйилган янги шунбошқа тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда масаллиқлар билан савдо уюштирилди. Бунда шаҳар савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари ходимлари ҳам хизмат кўрсатдилар. Ҳар бир килограмм гўшт ўттиз сўмдан сотилди. Бу ҳозирги давлат нархидан ўн беш сўм арзонлиги билан ҳам таҳсинга сазовордир.

— Турмуш шароити тобора оғирлашаётган ҳозирги иқтисодий таназзул шароитида қадақ қўлли меҳнат кишиларини ижтимоий муҳофаза қилишни иложи борича кучайтириш лозим, — дейди бирлашма бош муҳандиси Александр Алексеевич Корлов. — Бунинг учун мавжуд имкониятлардан фойдаланиляпти, янгилари изланяпти. Бугунги байрам сабаб шу олийжаноб мақсадга қаратилган қатор тадбирлар кўрилди. Бу ишчи-хизматчиларимизни бироз бўлса ҳам турмуш ташвишларидан халос қилган бўлса, шунинг ўзи кифоя. Уларни бугунги айём билан табриклаб, шуни яна бир бор таъкидламоқчиманки, ижтимоий муҳофаза масалалари бундан буён ҳам корхона раҳбарлигининг эътибори марказида бўлади.

М. МАҲМУДОВ.

Хушхабарлар

ИШЛОВ БЕРИШ БОШЛАНДИ

● ОҚҚУРҒОН районидаги «Оққўрғон» шўро хўжалигининг Хикмат Хўжанов бошқарувчилик қилаётган биринчи бўлими деҳқонлари жорий йилда 695 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Айни кунда мазкур майдондаги экилган чигитлар тўлиқ униб чиқди. Бўлимнинг Жўрақул Ҳолматов, Худойберди Сулаймоновлар бошчилик қилаётган бригада аъзолари ғўзага ишлов беришни бошлаб юбордилар.

Механизаторлардан Эшқобил Ҳолматов, Мустафо Укибоев каби механизаторлар алоҳида ибрат кўрсатиб, кунига 8-9 гектар майдондаги ниҳолларга ишлов беришмоқда.

Бўлим пахтакорлари бу йил ҳар гектар ердан 32 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган.

О. ТЎРАҚУЛОВ.

ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАРГА ҲАМ ЮБОРИЛМОҚДА

● ОҲАНГАРОН қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг қувур заводи бирлашма заводлари орасида айниқса яхши натижаларга эришмоқдалар. Завод жамоаси йилнинг биринчи чорагида 5 минг 127 кубометр қувур тайёрлашди. Бу режадагидан 27 кубометр зиёддир.

Бугунги кунда корхонада тайёрланаётган маҳсулот Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига ҳам юборилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатли бўлишида Қўчқор Ўринбоев, Йўлдош Тўрақуловлар бошлиқ бригада аъзолари бошқаларга ўрнак кўрсатишмоқда.

Завод ишчилари йил охиригача яна 25 минг кубометрга яқин маҳсулот тайёрлашга сўз беришган.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ЯНГИ ҚИШЛОҚ ШЎРОЛАРИ

● ПАРКЕНТ районидаги Чанги Хисарак қишлоқ Шўросидан «Чанги» қишлоқ шўроси ажралиб чиқди. Ушбу райондаги «Намданак» қишлоқ шўроси таркибидаги «Бошқизилсой» қишлоқ Шўроси ҳам эндиликда мустақил фаолият кўрсата бошлади. Ушбу тадбир мазкур қишлоқ шўролари ҳудудида истиқомат қилувчи кишиларни узоқ жойларга қатнашдан халос этиб, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишни анчагина енгиллаштиради.

М. ТУРСУНОВ.

ҲАММА ДАЛАДА БЎЛАДИ

АЙНИ кунларда далаларнинг, қир-адрларнинг, боғроғларнинг файзи-таровати ўзгача. Кўклам серёғин келди. Бу — қут-баракадир. Ҳамма ерда эртанги экинлар, ўт-ўланлар гуркираб ўсмоқда. Дилни яйратади. Дов-дарахтлар кўмкўк, ҳосили сероб бўлиши кўзда тутилмоқда. Албатта, бу деҳқонларда, соҳибкорларда эртанги ёруғ кунларга катта умид туғдираётир.

Лекин қувончнинг ташвиши ҳам бўлади, дейдилар. Ҳақ гап. Кейинги кунларда кучли ёғингарчилик бўлиб ўтди. Бу деҳқонлар учун ортиқча ташвиш туғдирди. Бундай ҳолни Юқори Чирчиқ ноҳиясида ҳам кузатиш мумкин.

Ноҳия деҳқонлари 7842 гектар ернинг ҳаммасига чигитни барвақт экиб олган эдилар. Уруғлик ҳамма ерда қийғос униб чиқди. Кучли ёмғир қуйиб, қаттиқ шамол эсгач, далаларда иш бироз тиғизлаша бошлади.

Деҳқонлар, тажрибакорлар билан биргаликда далаларни айланиб чиқдилар. Сариқ тупроқли ерлар-да, қатқалоқ босиш ҳавфи туғилди. Ҳаво булут бўлиб турсаку бошқа гап. Айтинг-айтинг, кун бирданига қаттиқ исиб кетмасин.

Лекин қатқалоқни бузадиган техникаларнинг ҳаммаси ишга шай қилиб қўйилди. Ҳозир қаторлар билиниб қолгани билан дала лой, кириб бўлмаяпти. Меҳнатимиз зое кетмаса, ишларимиз ўнгидан келиб, ҳосил яхши бўлса, биз учун энг катта байрам. Буни тушунамиз, ҳис қиламиз, дейишяпти пахтакорлар. Шунинг учун байрам кунларида ҳам далада бўлишга тўғри келади. Ҳар бир пайкалда кўчатнинг бутлиги-ю, экиннинг ҳолатини кузатиб, зарур бўлса малҳам қўйишимиз керак!

Юқори чирчиқликлар ҳар бир тармоқда ишни бошидан пухта қилишга одатланишди. Улар чорванинг ғамини ҳам ҳозирдан ейишяпти, Табиатнинг инъом-эҳсонидан иложи борича яхши фойдаланишни мақсад қилиб қўйишди: Яйловлардаги ўтўланларнинг салмоғи чамалаб кўрилди. Ҳар бир жамоага бўлиб берилди, топшириқ белгиланди. Кам деганда табиий ўтлардан 2000 тонна хашак жамғарса бўлади! Бу ишга зудлик билан киришишга қарор қилдилар.

Эскиси, янгиси бўлиб 3500 гектар ерда беда ўстирилади. Бу йилги шароитда йил давомида бедани кам деганда 6—7 марта ўриб олмаслик, ҳар гектардан кам деганда 160—180 центнердан пичан жамғармаслик — бу била туриб имкониятни қўлдан чиқариб юбориш деган ҳисобдир. Ем-хашак тайёрловчилар бу имкониятни асло бой беришмоқчи эмас. Шунинг учун ҳам улар биринчи ўримни вақтида ва сифатли ўтказиш чорасини кўрмоқдалар. Маккажўхори пояси ва ундан тайёрланадиган сенаж ва силос чорва озуқасида салмоқли ўрин эгаллайди.

Ноҳиядаги «Политотдел» ва «Соҳибкор» хўжаликлари бозор иқтисодиёти шароитида одамларнинг мева-чевадан анча қийналиб қолишганлигини ҳисобга олиб, бу тармоқдаги ишларни ҳар жиҳатдан юриштириб юбориш учун астойдил киришдилар. Яхши парвариш қилинганлиги учун токлар кўплаб шўра чиқармоқда. Дов-дарахтлар мевасини тўкмаса, кўзда хирмон баракали бўлиши турган гап.

Хуллас, деҳқонлар, боғбонлар, соҳибкорларнинг руҳи тетик ва ниятлари пок, холис. Далада бўлсангиз, ишни кузатсангиз, улар билан мулоқотда бўлсангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Энг муҳими шуки, дейишяпти улар, бизлар май ойининг ҳар бир соати, ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб меҳнат қилсак, экинларга, боғ-роғларга рисоладагидек ишлов берсак, марра бизники бўлади.

Биз ҳам баҳор, меҳнат байрами арафасида юқори чирчиқликларга яхши тилаклар билдирар эканмиз, улар маррани шак-шубҳасиз эгаллайдилар, деб умид қиламиз.

Н. ИСАЕВ.

МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИШДИ

АТРОФ-МУҲИТНИ муҳофаза қилиш фақатгина табиатни ҳимоя қилиш давлат органлари ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, соф ҳаво, тиниқ сув ва тоза тупроқ бўлишини истовчи ҳар бир кишининг ҳам вазифасидир. Эндиликда у умумхалқ иши бўлиб қолди.

Республикамизда, шунингдек, вилоятимизда экологик вазият тобора мураккаблашмоқда. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши хўжалик раҳбарлари ва фуқароларнинг табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини бузганлиги учун масъулиятини оширишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилди. Бу қарорларни ҳаётга оқилона жорий қилиш масаласи Тошкент вилоят прокурорлиги ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш ходимларининг семинар-кенгашида атрофлича муҳокама қилинди.

Семинар-кенгашни очган вилоят прокурори, адлия генерал-майори А. Маннонов шуни таъкидладики, ҳозирги кунда прокурорлик ва табиатни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг куч-ғайратини табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигини тўғри амалга оширишга қаратиш, лозим бўлган ҳолларда эса бундай муаммоларни, табиатни энг кўп даражада булғатаётган манбаларни биргаликда тадқиқот қилишни ўтказиш ниҳоятда зарурдир.

Семинар-кенгашда вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси Т. Эргашев экологик вазиятнинг аҳволи тўғрисида маъруза қилди.

Семинар-кенгашда қўшма дастур ишлаб чиқишга келишиб олинди. А. Маннонов ва Т. Эргашевлар семинар қатнашчиларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб бердилар.

М. МУНДИНОВ.

• *Мушоира-92*

НЕ МУЪЖИЗА БУ

Жисмингга боқиб, жон борки, қурбон этилибдур,
Жонимдан жудо этгали жисминг етилибдур,
Кўргач сени, не мўъжиза деб очсам китобни,
«Офат» бобининг бошида исминг битилибдур.
Боғбонинг эй гул, боз устига наққош эканким,
Илми олдида ҳикмат-у кимё чекинибдур.
Бир бора келиб, ношод дилим шод этмадинг, оҳ,
Оҳимдан, не тонг, ерлар неча бор силкинибдур.
Кимманки ўзни, қилгали жабрингдан шикоят,
Пойингни ўпиб Искандар-у Доро йиқилибдур!
Саёҳ домига тушган ғазол бўлдинг, эй Турғун,
Ул ой кўзидан сенга балолар тикилибдур.

НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА НАЗИРА

Не сабабдан ўрлади кўкларга оҳим — билмадим,
Бормикан тингларга оҳим боргоҳим — билмадим.
Бир ишора бирла масжиду китобга кетди ўт,
Бу разолатдан кейин пиру илоҳим билмадим.
Шум ғанимлар айлаганда кўнгли поклари шикор,
Қодирий, Фитрат кабн аҳли салоҳим билмадим.
Во дариғ, ғарб бекларин мен тарихин билдим вале
Хону султону амиру подшоҳим билмадим.
Узбегим бошига туҳмат маъбуди отганда тош,
Ё гуноҳим, ё гувоҳим, ё паноҳим билмадим.
Арз ила борсам, тўрамнинг сўзи-ю сиймосидан
Бандаи жоҳимни билдим, хайриҳоҳим билмадим.
Қайга кетди бу диёрдан шафқату меҳр-оқибат,
Бас, эй Турғун, ғуссасиз шому сабоҳим билмадим...

ТУРФА ҚАЙҒУЛАР

Қайси бошда жоҳу унвон қайғуси,
Қайси бебошда текин нон қайғуси.
Бу дунёнинг фалсафаси шу экан:
Қассобга — эт, эчкига жон қайғуси.
Хожа Аҳмад босафонинг сўзидан
Дилга нигай Дину Иймон қайғуси.
Шоҳи Машраб кечди азиз жонидан:
То қиёмат васли жонон қайғуси.
Мир Алишер кўнглига бақдим узоқ,
Ҳазратимда комил Инсон қайғуси.
Ишбилармон дўстларим дермиш кулиб:
«Бу Турғунга турку Турон қайғуси!»

Турғун ТУРСУНБОЕВ,
Чиноз шаҳри.

СОҒИНЧИМНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙДИМ

Азизим, мен сени соғиндим,
Бойчечак баҳорин соғинганидек
Азизим, мен сени соғиндим,
Майсалар ёмғирни соғинганидек.
Соғинганим — баҳор ҳам келди,
Қучоғида лола, гул билан...
Соғинганим — ёмғир ҳам ўтди
Кўз ўнгимда жала, дўл билан.
Сени кутдим узун кечалар,
Соғинчимни йиғлатиб қўйиб.
Кўз ўнгимга келдинг неча бор,
Юрагимни тирлатиб қўйиб,
Сени кутдим, келмадинг бироқ...
Сени кутдим, тонгни отмади...
Соғинчимни йўқотиб қўйдим,
Севгим, сенга қўлим етмади.
Юрагимга ўқ отиб қўйдим...

Барно СУЛТОНОВА.

КЕРАК ЭМАС ЭКАН

Керак эмас экан ул тошга менинг
Қўлида май тутган юрагим, нетай?
Ҳеч бир қулоқ илмаган дил
сўзларимни
Тариқдай тешиги йўқ қутига айтай.
Вафо қилмас экан ўзи бу дунё,
Ул тошдан не ҳучун мурувват кутай?
Севгига ташна бу юрагим тутиб
Вафодор қутимнинг бағрига кетай...

АТИРГУЛ

Атиргул, ғунчангда чўкиб ўлайин
Бевафо кўзидан йироққа кетиб.
Ул тош кўзларнинг намни кўрайин,
Юрак қайтмас бўлган жойларга етиб.
Ҳар қишда новданга снигиблар
кетай,
Жисмингда менинг ҳам оқсин-да
қонин.
Сўнг баҳор, атиргул бўйлари бўлиб,
Бевафо сочларни силасин қўлим...

Барчиной ЖУРАЕВА,
Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН халқ ёзувчиси Мирмуҳсин шу номдаги тарихий романини ёзиб тугатди. Асар X—IX асрларда буюк Хоразмшоҳ Нўшатакин Ғарчои ва унинг фарзандлари Қутбиддин Муҳаммад, Аълоиддин Муҳаммад —Отсиз даврини ўз ичига олиб (Темур Малик, Жалолиддинлар давридан икки юз йилча илгари), унда Моваройнаҳр ҳамда Хоразм мамлакати салжуқийларга — султон Санжарга тобеликдан қутулиш, икки буюк дарё оралиғидаги Самарқанд, Бухоро, Шош, Гурганж, Ахси, Термиз, Кешу Хўжанд, Хеваю Ўтрор шаҳарларининг юксалиши, бир-бирлари билан яқинлашуви тасвирланади. Хоразм, айни вақтда Моваройнаҳр саркардаларидан бири амир Алп Арслоннинг юрту замнига муҳаббатига, жангу жасоратига, ғузал Шоҳсанам севгисига романда кенг ўрин берилган.

Қуйида янги асардан бир боб чоп этилмоқда.

Моваройнаҳр

МИРМУҲСИН

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Тонг ёришишга яқин атрофида юксак мансабдорлар, амирлар, шаҳзодалар, Шайхулислом ва бошқа казо-казолар қуршовида ўзининг қумда чопар туркман отлари наслидан бўлган Бургутида шитоб билан келиб дўнгликка кўтарилган подшоҳ Аълоиддин Муҳаммад Отсиз ҳазрати олийлари далани босган ўз қўшинига кўз ташлади. Ўнг томонида, отда узун тўрва соқол Шайхулислом —имом Бадриддин Кадихон ҳазратлари, чапда шаҳзодалар Ғинол-Такин ва Сулаймоншоҳ, орқа қаторларда амирлар Алп Арслон, Музаффар Тамғоч, ибн Халдун, нари-берида йигирма чоғлиқ қилич ялонғочлаган Олий ҳазрат иҳотачилари ва яна найза ушлаган, камон тутган сарбоз отлиқлар ҳам дўнгликни эгаллашган эди. Пастда, отлиқлар олдида йигирма-ўттизга яқин биринчи ҳамлани бошлаб берувчилар занжир савту дубулға кийган паҳлавонлар ҳам турарди. Улар ичида басавлат Муҳаммад Али ал-Мисрий, Қўнғир Сардор, Шодмонқул Додбек, Ботмон-дахсар, Даржол лаҳабли паҳлавонлар ҳам бор эди. Дамодам улар подшоҳга қараб қўйишар, Шайхулислом ҳазратларининг фотиҳага қўл очишларини кутишарди.

Қуръони каримдан оят ўқиган Шайхулислом пастдаги қўшинга қараб, юзига фотиҳа тортди: «Олло-ҳу акбар! Подшоҳимнинг адолатли лашкарига музаффарият! Оллоҳу акбар!»

Шу лаҳза амир Алп Арслон от чоптириб бориб қўшин олдига ўтди. Саркардаларнинг биринчи сафга етиб келгани заҳоти Муҳаммад Али ал-Мисрий: «О-О-л-л-о-ҳу А-а-а-к-б-а-а-р! Ху-ху-у!» деб, наърайи радиввор жигаридан тортиб, арслонлардек ўкириб, йўғон ва ҳайбатли овоз чиқариб, отнинг бақинигга пошна урди. Отлар ҳуркиб кетди. Бирдан жойидан сапчиб, олдинга югурдилар. Суворийлар ўқдай учиб, бепоён далага ёйилиб, тасура-тусур Гурганж қалъаси томон чопдилар.

Тонг. Осмонда ўн беш кунлик ой ярақлаб далаларни ёритиб турарди. Бир фарқулодда бўрону зилзила бошлангандек далалар ларзага келди. Яқин қишлоқлардаги моллар ўкирди. Хўрак излаб ой қиличи юрган бўрилар узоқдан қайрилиб қараб, қичқирдилар. Дарахтларда мудраб ўтирган узун қанот қушлар ҳам уйғониб, тўрт томонга лапанглаб учиб кетдилар. Бўрондек югурган отлиқлар сокин тонгни суронга кўмдилар, узоқда салобат билан қад кўтариб турган қалъага яқинлашиб, ўраб олишга киришишди. Ногаҳоний шовқин-сурон билан келаётган подшоҳ қўшини беҳисоб отлиқлар ҳабари қалъа ичарисидаги сарқуш ётган йигирмага яқин сардорлар қулоғига етиб, дарҳол отлари ёнига — отхона, ахтахонага югуришди. Юсуфшоҳ бошини кўтара олмай, ғандираклади, ёнига ётган, ҳеч нарсадан хабари йўқ Чучукбека шаҳзоданинг оёғига ёпишди. У бир тепиб ички лозимини кийдида, ярим яланғоч эшик ёнига бориб, ғайри инсоний бир товушда «Ким бор?! От тайёрла! Қиличимни топиб бер!» деб ўшқирди. Эшик тагида ётган икки ясовулнинг бири отхонага чопди, иккинчиси — қилич кўтариб ичкарига кирган эди, қип-яланғоч ётган Чучукбекага кўзи тушди. Бека дарҳол кўрпа орасига яширинди. «Шимимни, этигимни кийгизишиб қўй!» деди шаҳзода Юсуфшоҳ иштонсиз шалвор кийиб, этикни ҳам бепайтава, пойма-пой кийишга уринаркан. Шу алфоз ҳовлиқиб, яланғоч қилични ушлаганча ташқарига югурди. Орқасидан ясовуллар ҳам чопишди. Тўшакда ётган Чучукбека яна уруш бўлаётганини фаҳмладию лекин ўзбир лаҳза бўлса ҳам ёнига биронта қўрқмас ясовул йигитлардан қирармикин, деб кўзи олазарак, яланғоч ўрнидан туриб, ҳовлида югуриб юрган йигитларга беихтиёр таннини кўрсатиб турди...

Подшоҳнинг режаси тўғри чиқди, Юсуф — қопибузуқ маст уйқуда ётганида ясовуллари хонага бостириб кириб уйғотгани, сардорлару қўшин ғафлат уйқусида ётганида ҳужум бўрони босгани — подшоҳ режаси тўғри чиққанини тасдиқлади. Биринчи тўқнашувдаёқ дарбоза ёнида тўдаланган эллиққа яқин суворийлари беадат Хоразм отлиқлари ўраб олиб, бир лаҳзада чопиб ташлашди. Аллақаёқдан пайдо бўлган уч юзга яқин отлиқ билан ҳам тўқнашув бўлиб, қаттиқ жанг бошланиб кетди. Шу аснода Юсуфшоҳнинг пойтахт ўнг томонига, Бешгўжум қишлоғидаги беш юз отлиғи ҳам етиб келиб, қалъа дарбозаси ёнида жанга кирди; «тарақа-туруқ амуди гарон, санги осмон...» бошланди. Отлар кишнар, ҳангиллар, бир-бирларига човут солар, бошлар устида қиличлар яқиқар, шарақ-шуруқ, қалқонларга урилган тиғ зарбидан темир қалқонлар даранглар, кимлардир найза уриб суворийни отдан қулатгани, кимлардир бақириб наъра ургани эшитилиб турарди. Ал-Мисрийнинг дамодам ғайри инсоний шерона наърасини эшитган подлар уларга ортилган манжаниқлар1, хариходалар, баланд нарвонлар кўтариб етиб келдилар. Найза ушлаганлар ва яна бир томонда камонандозлар — пиёда лашкар ҳам кунининг ўрталарига бориб ,узоқда пайдо бўлди. Подшоҳнинг режаси бўйича ўнга яқин карнайчилар ўз от-уловларида шошилинч келиб, қалъа олдидан гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга сурилиб, кучли жанг оломонига қарата ғат-ғутни авж олдирдилар. Карнайлар қалъа томонга ҳам тўғриланиб, кучлари борича тоза ғат-ға-а-а-т-т-ларини баланд кўтариб, ёвни саросимага туширдилар. Отдан қулаб, чумолидек ерга тўкилиб қолган навкарларнинг ҳам ҳисоби йўқ, аммо шунга қарамай, жанг борган сари авж олярди — душман отлиқлари жон сақлаш учун ҳамма ишни қиларди-лар.

Офтоб тик келганда узоқдан етиб келган нарвону манжаниқларга кўзи тушган душман суворийлари карнайларнинг бетиним ғат-ғутидан юракларига қўрқув тушиб, тўрт томон қоча бошладилар. Подшоҳ суворга қулади. Устидан отилиб тушган амирни орқадан келаётган отлар устидан хатлайман деб бири қулаб босди... Қўлида қилич, белини кўтаролмай, буннинг устига елкасига ўқ санчилган амир ўрнидан туролмай қолди. Қочаётган суворийлар амир тепасига келиб, қилич урмоқчи бўлаётган эди, шу лаҳза орқадан етиб келган ал-Мисрий отлиқнинг бўйнини мўлжаллаб қилич солди. Калла сапчадек узилиб, ерда юмалаб кетди. Ал-Мисрий дарҳол отдан сакраб тушиб, амирни ушлади. Шу лаҳза етиб келган ўз суворийлари саркардани ўраб олиб, ёвдан иҳота қилдилар. Амир ал-Мисрийга буюрди: «Югур, паҳлавон, босқинчини тирик тутиб кел! У қочди! Жайҳун томон қочди!..» Ал-Мисрий ўн чоғли навкарларга яраланган амирни топшириб; «иҳота қилинглар, мутлақо душман яқинлашмасин, каллаларинг билан жавоб бересанлар!» деди-ю, ўзи бир неча навкар билан от чоптириб, Юсуфшоҳни қувиб кетди.

Жанубий дарбозалар олдидаги майдонда ҳам қонли жанг кетарди — босқинчилар осонлиқча жон бермасдилар. Қочган суворийларни Юсуфшоҳ тўғридан-тўғри қилич уриб, каллаларини узиб ташлашни буюргани, бундай фожиа тез-тез бўлиб тургани барча сарбозларга маълум, улар, юрагини олдириб қўйган эдилар. Шу сабабли навкарлар қаҳри қаттиқ сардорлар измидан чиқмас, чўнтакларидаги таланган қимматбаҳо буюмларни ўз ерларига, бола-чақалари ёнига етказмоқ, жон сақламоқ ниятида ҳеч нарсадан қайтмас эдилар.

Жануб дарбозалари олдидаги майдонда кечган қонли жанг ҳамон давом этарди — икки томондан ҳам ерга тўкилганлар, ўлганлар ва ярадор бўлиб, жон талвасасида ётганлар беҳисоб. Этасиз югурган отлар далаларга сочилган. Аммо энг ёмони шу бўлдики, амир Музаффар Тамғоч оломондан ажралиб чиқиб, дўнгликка устида турган Ғинол-Такин ҳазратларига ёнига келди. У тутоқиб, ахир бу қўшинга подшоҳ фармони ила ўзи саркарда этилгани, олий ҳазрат олдида боши билан жавоб бериши, аммо шаҳзода Сулаймоншоҳ ҳазратлари унинг айтганини қилмай — тепаликдан жангни кузатиб турмай, оломонга кириб кетганини ва қидириб, у ҳазратни тополмаётганини фиғон бўлиб айтарди:

— Ҳа, топаолмаётирмен шаҳзодани!

— Суворийлар ичадаир, — деди Ғиннол-Такин ҳазратлари безовта бўлиб, қўлини пешонасига соябон этиб, у ёқ-бу ёққа аланглад.

— Кўзингиз тушса, ҳазрат, дарҳол бу тепаликка чақириб олинг! У зот сизга қулоқ соладилар. Шаҳзоданинг бундай ўзбошимчалик қилишлари тўғри эмас! Улар Мисрийга ишонч билан чопқин қилаётганликларини ҳам сезиб, баъзи суворийлар қочишни кўзлаб, ўзларини четга олишга уринардилар. Қаландет Гурлонд дарбозаси ёнида отда турган Юсуфшоҳ иш қўлдан кетганини пайқаб, бир тўда сардорлари билан қалъага қочиб кирмай, кетаётган жанг оломонига сездирмай қалъани ёқалаб ўтиб, Хазорасп томон қочди. У томонда Сулаймоншоҳ билан Ғиннол-Такиннинг жангга кирганини, амир Музаффар Тамғоч жангга раҳнамолиқ қилаётганини сезган амир Алп Арслон ола-тўполондан сурғичлиб чиқиб, Юсуфшоҳни орқамаорқа қувишга киришди. Муҳаммад Али ал-Мисрий ҳам осмонда қиличини яқиратиб югурди. Ўнг ва чапдан ноғаҳоний чиқиб қолган душман камончилари амирга қараб пайдарпай ўқ ўздилар. Икки тийри-паррон амир отига тегиб, Ғирот боши билан Бир муддатдан сўнг у отнинг жиловини тортиб, тўхтаб, дарҳол ерга сакраб тушди. Ёрда қонга бепанаб ётган шаҳзода Сулаймоншоҳни кўриб, юраги шиғиллаб кетди. Шаҳзода тепасида чўкиб, кифтини қўлга олди. Аммо, минг афсус, аллақачон шаҳзоданинг жони узилган эди. Ўзондан бу ҳолни ҳузатаётган Ғиннол-Такин ҳазратлари ҳам бу ерга югуриб келди. Шаҳзода ҳалок бўлганини билиб ижковлари ҳам унинг тепасида қўлларини очиб фотиҳа ўқишди. Навкарларга айтиб, арава олиб келиб, шаҳзода жасади бунда ётмасин, аравага солиб, қалъа қўрғони тагига етказишни буюрди2.

Душман қалъа дарбозаларини беркитиб, ичкарига кириб олишга улгурмади. Подшоҳнинг режалари ҳақ бўлиб чиқди. Ҳатто оғир ходалар, нарвонлар, манжаниқлар ҳам даркор бўлмади. Фақат Ғиннол-Такин ҳазратлари ҳушёрлик қилиб, ўн-ўн беш отлиқ билан қалъа ичига кириб, сотқин вазири аъзам Хумомиддин ад-Давлани тополмагач, ундан сўнг ҳовлисига югурдилар., Ғиннол-Такин титраб, қўлида қилич яланғочланган гўё баданидаги ҳар бир тук ёғна бўлиб либосини тешиб чиққандек дарғазаб эди. Шаҳзода ҳалокати (ҳали подшоҳ бу фожиадан хабар топмаган) уни, қўйдек ювош одамни ёўлдарга айлантирган эди.

Улар хоин вазир дарбозаси ёнига келишлари бланоқ тезда навкарларга ичкарига бостириб кириши, ад-Давланинг қўлини боғлаб, оғзига сочиқ тиқишни, зиндонга ташлаш, ҳаҳ-ҳаҳ билан ўзини-ўзи ўлдириб кўйишга йўл қўймасликни буюрди. Вазири аъзам ҳовлисида турганда тўс-тўполон кўтарилиб, бир неча лаҳзадан сўнг сарбоз йигитлар унинг оғзига латта тиқиб, қўлини орқага боғлаб ҳовлига судраб чиқишди-да, Ғиннол-Такин ҳазратлари оти оёғи остига ташлашди.

Ад-Давла кўзини ола-кула қилиб, бўғилиб имо қилди.

— Оғзидагини олинглар, бир нима демоқчи!— деди Ғиннол-Такин от устида турганча.

Суворий йигитлар ад-Давла оғзидаги латтани зарда билан тортиб олиб, ханжарни кўксига тақаб туришди. Ичкари хонада турган хотини, оғолари, болалари ҳовлида бўлаётган машмашага тикилишарди, ташқарига чиқишга қўрқишарди.

— Менда айб йўқ. Юсуфшоҳ мени дорга осаман деб кўрқитиб қалъада ушлаб қолди...

— Сен бу гапни кимга айтаётирсен, хоин?! Моваройнаҳрнинг кўп шаҳарларида сенинг мамлакатга қилаётган хоинлигингни пайқаган эдим. Сен султон Санжар инъомларини, зарурат туғилганда Марвга қочишни ҳам кўзлагансан! Подшоҳга ҳамма ҳақиқатни айтасан, кечириб бўлмас гуноҳларинг бу дунёда қолиб кетади! Сенга қанақа жазо беришни ўйлаб тополмаётирмен, муносиб жазо йўқ! Жазони Олий ҳазрат беради. Лекин улуғ Хоразм ерида туғилиб, бу заминга хоинлик қилганинга ҳеч ақлим етмайди. Сенга нима етмас эди?! Сен ўзинг айтмасмидинг-ки: «Юсуфшоҳнинг қони бузуқ, у яҳудий қизидан бўлгон», деб! Шундай сўзни айтгон кимса нега унга хизмат қилдинг! Юртни сотдинг?

— Улуғ шаҳзода! Гуноҳимни оқлайман, мени Султон саройига юборинглар, Моваройнаҳр учун подшоҳ Аълоиддин Муҳаммад-Отсиз ҳазрати олийларига хизмат қиламан...

— Сен Олий ҳазрат мамлакатига эмас, ўзингга хизмат қилиб келгансен! Бу гапни Олий ҳазратга айтасен! Сени Олий ҳазрат ёнларига етказиб, отлари туёғи остига ташлаймен! Бу гапингни ўша фурсат айтасен!

Суворий йигитлар ҳазрат ишораси билан яна унинг оғзига сочиқ тиқиб, ташқарига олиб чиқдилар. Аравага босиб, қалъа ичига олиб кирдилар.

Сулаймоншоҳнинг ҳалок бўлганини эшитган подшоҳ кўзига ёш олиб; ўкириб йиғлади. Шу лаҳза у тезда ўкришни тўхтатиб, кўз ёшларини артди: ахир бир менинг ўғлим эмас-ку, шу салтанатни деб фуқаронинг юзларча фарзандлари ҳалок бўлдилар! Подшоҳ ўзини қўлга олди, Шайхулислом имом Бадриддин-Кадийхон қўлини кўтариб, фотиҳа ўқиди.

— Мен унга айтдим, азиз болам, давомчим, шаҳзода, сиз амакингиз ёнида туринг, жангни кузатинг, дедим. Шаҳзода қулоқ солмади,— подшоҳ бенхтиёр ўкирарди.

— Оллоҳнинг ҳоҳиши бу, улуғ ҳазрат! Бу — Оллоҳнинг ҳоҳиши.... Сизга ирода, сабру қаноат тилаймен, бошқа чора йўқ,— деди Шайхулислом ҳам кўзига ёш олиб.

Шу куни саройга отлиқлар билан ўраб олинди, бундаги Юсуфшоҳга хизмат қилган барча кимсалар ҳибс этилиб, зиндонга олиб кетилди. Собиқ вазири аъзам Хумомиддин ад-Давла ҳам зиндонга ташланиб, туну кун ёнига қўрқиқи қўйилди. Ўзини-ўзи ўлдириб қўймаслиги учун ҳамма чоралар кўрилди. Бошқа сотилган мансабдорлар ҳам зиндонга ташланди.

1. Манжаниқ — оловли катта тош отадиган арча тахтасидан ясалган ҳарбий қурилма.

2. Мозийда, мамлакат учун бўлган жангда ҳалок бўлган қаҳрамонлар ташқарида, қўрғон тагига дафн этилардилар.

• *Халқ ижоди~қайнар булоқ*

УВАКЛИК МОМОЛАРИМ КУЙЛАШАДИ

БИР КУНИ рўзномамиз таҳририятига «Ангрен» давлат хўжалигининг Увақ қишлоғида истиқомат қиладиган жамоатчи мухбиримиз Ўрозгул кириб келди.

— Сизга келдим, Мўмин ака, халқ қўшиқларини тўплаб юрганингизни кўндан бери биламан,— деди у.— Увакда анчагина қўшиқчи камиралар бор. Мавридини топсангиз, уларнинг ҳузурига олиб борардим. Баҳонада маза қилиб қўшиқ эшитардик.

Вақт қурмағурнинг тиғизлиги Ўрозгулнинг илтимосини ҳадеганда қондириш имконини бермади. У эса ҳар сафар келганида қишташини қўймасди. Яқинда Ўрозгул мени қўярда-қўймай Увакка олиб кетди.

Увак — Чотқол тизмаси ноғонга ҳолдай ярашган дўппидай қишлоқ. Одамларининг аксарияти чорвадор, хотин-қизлари совхоз фермасида сут соғишади, йигитлари тоғларда қўй боқишади, кексалари болалар тарбияси билан банд. Суриштириб кўрдим: кейинги йигирма йил ичида бу қишлоқдан бironта ҳам судга, прокурорга, мелисага иш тушган одам бўлмабди. Бунга эҳтимол қишлоқдаги пийри комила момоларнинг узуккун уйда набиралари тарбияси билан, одамларга қўшиқ-ўйин айтиши билан қизаларни иболи, ўғилларини марду аёздонли қилиб тарбиялагаллари сабабдир, балки.

Ўрозгул мени пастқамгина бир уйга бошлаб кирди. Атрофда одам кўп. Биз борганимизда қишлоқ момолари ўз қўшиқ сайилларини бошлаб қўйган эканлар. Ўрозгул билан бир чеккага, қўшиқа халал бермасликка ўрнилиб, секингина ўтирдик.

— Қаранг, Улфатхон момо Жуманова куйлаяпти,— деди секин пичирлаб Ўрозгул.— Бояқишнинг қирчиндай набираси афғонда қолган.. Аҳамият бериг, Ғолибжонга атаганини йиғлаб куйлаяпти.

Улфат момо эса кўзларида ёш билан қўшиқ куйларди:

Кичкина чорвоқ ичида
Айланар бошим менинг.
Болам юрган қўчаларда
Тўкилар ёшим менинг.

* * *

Бир товоқ олмани уздим,
Олманинг сен корисан.
Кўчаларни гирён изладим,
Чаманзорда бормисан?
Болам — ов... ов, болам...м!
Минган отинг тойманди,
Етган жойинг афғонмиди?
Шу кеттандан келмадинг,
Онангдан кўнглинг
жойманди?

* * *

Кўчама-кўча юрай,
Кўчалар гулзор эмас,
Ҳеч ким менингдек бўлиб
Ғолибжонга зор эмас.
Болам — ов... ов, болам...м!
Улфат момо бироз тин олди. Кўз ёшларини артди кенг кўйлагининг енги билан. Одамларга бир тикилди, сўнг бошқа оҳанг билан навбатдаги қўшиқни куйлай бошлади:

Бозорбоши лой экан-о,
Чиқмасам бўлар экан.
Ўғлингиз ичар экан-о,
Тегмасам бўлар экан.
Бозор бошида узум-о,
Қарға пойида кўзим.
Аллалаб ухлатганимни
Чимчилаб уйготган ўзим...
Энди навбат Ойгул Ҳудойбоқованга келди. 79 ёшда бўлишига қарамай Ойгул момонинг товуши анча тиниқ, сўзлари бурро-бурро эди:

Байт айтишайлик бани,
Байт айтган қизлар қани?
Жилонни қамчи қилиб
Дулдулга минган қани?

* * *

Ҳали, ҳали, ҳалича,
Кўк қамишдан қийиқча,
Кўк кептар ундан қийиқ,
Жаккептар ундан бийик.

* * *

Айт деганни иесига
эринасан,
Оти соғин моралдайин
кериласан,
Оломонинг ичида
товшинг бийик,
Кўзларимга ўтдайин
кўринасан.

* * *

Бор эди бир қалпоғим
айланмачоқ,
Губернатор келса ҳам
берганим йўқ.
Тўйхонани айланиб, тўрт
айланиб,
Қаламқошим, сендайни
топганим йўқ...

Қарсаклардан тоғ даралари ларзага келди Ойнигул момо тинганда. Шу аснода бир нарса хаёлимга келди. Халқ орасида санъаткорона кўпи, аммо уларнинг нодири кам. Увакдик момолар жуда кўп қўшиқлар айтишди, дарҳақиқат, улар нафосат шайқолари. Назаримда, улар халқ қўшиқларию термаларини доналаб териб юришади. Улар ҳамма ўқолмаганни ўқишади, ҳамма айтолмаганни айтишади. Айтганда ҳам санъаткорона! Уларнинг ҳар бир қўшиғини ҳамқишлоқлари янги фарзанд туғилгандай сенга олқишлашади. Уларнинг янги қўшиқлари туғилганда ҳаёлга ботиради кишини. Бахшиёна қўшиқларнинг тили узун бўлади, узоқни яқин, бегонани дўст қилади дегаилари шуми-кан?!

Даврага анча қариб қолган, аммо мазъно тўла кўзлари чақнаб турган Роҳатой момо Абдурахмонова чиқдилар олқишлар оғушида. У жўшиб қўшиқ бошлади:

Пойиз кетди муролаб,
Қорахтойни оралаб,
Пагон таққан бир зобит
Йиғитларни ол кетди
Оқ тангадай саралаб.

* * *

Супанинг чеккасида
Жамбилу гулим қолди,
Афғон деган томонда
Қирчиндай улим қолди...

* * *

Ўсма энган қошгинам
Бўлар қора, ёр-ёр.
Ўз тенгимнинг ичида
Кўнглим пора, ёр-ёр...

Энди Ўғилжон момо Тиллаевага навбат келди:

Гулни уздим, ҳумга
солдим,
Гул юбормасга салом.
Ўзини шодон этиб
Кўзга илмасга салом.

* * *

Дуторим динг-динг этоди,
Ичида мошм бормикан?
Ергинам йиғлаб келоди,
Кўзида ёши бормикан?..

Айтишларича, дуторнинг ички торию ўттиз иккн пардаси бўлсада, бу пардалар бир хил овоз бермаганидек, момоларнинг қўшиқлари ҳам бир қолипда эмас. Уларнинг қўшиқлари — уларнинг ҳаёт йўллари. Аммо увакдик момолар оз бўлса ҳам, соз куйлайдилар. Айни пайтда қўшиқлари билан ўғилларин бахраманд этиб, халқнинг миннатдорчилиги билан яшайдилар.

Мўмин ҚАЮМ.

Баҳор қувончи.

С. МАҲКАМОВ сурати.

КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

Шанба, 2. V

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

*

9.00 «Кенжатойдан қўрқ, эй ғаним». Бадиий фильм.
10.10 «Шоҳруҳ» клуби.
10.40 «Дўстлик» студияси кўрсатади. «Мозийга бир назар».
11.05 «Муҳаббат навоси». Мусиқий кўрсатув.
11.45 Э. Воҳидов. «Олтин девор». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
13.30 «Омад». Мусиқий-тижорат кўрсатуви.

* * *

18.00 «Типа лақабли чумоли». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Ёзувчи ва замон».
20.00 Ботир Зокиров: «Куйламоқ — яшамоқ демак».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 Тижорат хабарлари.
21.05 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг янги дастури.
21.40 «Аэлита, эркакларга суйкалма». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

9.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

* * *

АШХОБОД КЎРСАТАДИ

17.00 «Новата». Видеофильм.
19.00 «Едиген». Адабий кўрсатув.
20.00 Янгиликлар (рус тилида).
20.10 Кичкинтойлар, сизлар учун.
20.25 Сатира ва юмор.
21.00 «Ватан». Мусиқий ахборот.
22.00 «Ана Бумбо ҳам келди». Бадиий фильм.
23.15 Янгиликлар.

● «ОРБИТА IV»

I канал

Останкино

6.30 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.30 Кўрсатувлар тартиби.
7.35 «Марказ».
8.15 Дам олиш кўрсатуви.
8.45 «Инсон институти».
9.25 «Зазеркалье». «Кулфат бизга чўт эмас». Бадиий фильм.
11.25 «Мусиқий дўкон».
11.55 «Қизил империя». Кўп серияли телефильм премьераси. 4-фильм — «Халқ душманлари».

*

12.55 Янгиликлар.
13.15 «ЭХ». Экологик хроника.
13.30 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
14.55 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.20 «Қизил квадрат».
16.00 «Май юлдузлари» Халқаро санъат фестивали.
18.50 «Бахтли тасодиф».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!

*

20.00 Янгиликлар.
20.20 Футбол. Россия чемпионати. «Спартак» (Москва) — «Торпедо» (Москва). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан кўрсатилади.
22.00 «Ярим тунгача ва ярим тунидан сўнг». (Танаффус пайтида — 23.00 Янгиликлар).

● «ДУБЛЬ IV»

«Россия» канали

7.00 Хабарлар.
7.20 Чашмалар. «Шимол эртаклари».
8.00 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
8.30 «Ҳали англанмаган коинот».
9.15 «Эскулап».
9.30 М. Чудакова. «Бизнинг ватанимизда».
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
12.00 Кундузги сеанс. «Қарсаклар, қарсаклар...». Бадиий фильм.
13.20 Параллеллар. «Андрей Степановичнинг бир куни».
14.00 «Омад кулиб боққанда». Танлов программаси.
15.00 Рақс марафони. Бал рақслари Россия чемпионати.
16.10 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.

*

16.55—20.10

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

*

20.10 «Олтин шпора».
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.
21.20 Эълонлар.
21.25 «Масхарабозлар учун уй». Т. Дуровани масхарабозлар театрининг очилиши.
22.35 «Коламбиа Пиктчерс» программаси таништирилади.

Якшанба, 3. V

● ЎзТВ I

8.00 «Туркистон» ахбороти.

*

8.30 «Хатолар устида ишлаш». Бадиий фильм.
9.45 Араб тили.
10.15 «Қувноқ стартлар». Ўзбекистон ва Қирғизистон командаларининг учрашуви.
11.00 «Меҳр». Ўзбекистон хотин-қизлар кенгаши Тошкент вилояти бўлимининг иш фаолиятидан.
11.40 «Булбулча» ансамблининг ҳисобот концерти.
12.40 «Фан» тележурнали.
13.20 «Орзуларга уланган йўллар».
13.50 «Доира усуллари». Доирачиларнинг Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номли танлови голибларининг якунловчи концерти.

* * *

18.00 «Эски сандиқда», «Лоф уришга ким уста». Мультфильмлар.
18.30 Турк тили.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Кичкинтой» студияси. «Табиат алифбоси».
19.45 «Ўзимни топар дарёлар». Адабий кўрсатув.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Тижорат хабарлари.
21.05 Якшанба оқшомида. «Янграсин шўх яллалар».
22.05 «Ҳақиқат рўёбга чиқсин». Бадиий фильм.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

9.00 ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Хўжа Насриддин». Мультфильм. 1 ва 2-фильмлар.
18.25 «Мусиқий сеанс». Киноконцерт.
19.10 «Эрменкинутурлан». Жалолобод шаҳридаги «Нур» заводи ишчилари ҳақида ҳикоя.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Мен толарго сийинам». С. Жусуев.
21.50 Кечки видеосалон.

● «ОРБИТА IV»

I канал

Останкино

6.00 «Руҳни чиниқтириш».
7.00 Кўрсатувлар тартиби.
7.05 Ритмик гимнастика.
7.35 «Спортлото» тиражи.
7.45 Спорт ҳамма учун.
8.15 «Эрта саҳарлаб».
8.55 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
9.25 «Тонг юлдузи».
10.15 «Пи» белгиси билан.
11.05 «Камалак». Халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Пенинлар» (Польша).
11.40 «Кўрган-кечирганларимиз». Санъат ҳомийси Мальцовлар.
12.35 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.

*

14.00 Янгиликлар.
14.20 Кўрсатувлар тартиби.
14.25 «Саёҳатчилар клуби».
15.15 «Панорама».
15.55 «Телелоция».
16.05 «ТВ-Нева: «Ким биз билан!». 10-кўрсатув.
16.25 «Сиёсат пишиб етилдиган жой».
16.55 «Уолт Дисней таништиради...».

*

17.45 Янгиликлар (сурдо тржимаси билан).
18.00 Якшанба кинокўрсатувлари. «Рус видеоси» киносалони. «Кўк аскар». Бадиий фильм (АҚШ).
20.00 Футбол. Россия чемпионати. «Динамо» (Москва) — МАСК. 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.
20.50 Кўрсатувлар тартиби.

*

21.00 «Якунлар».
21.45 «Брэйн-ринг».
22.45 Ф. Шопен. 4-баллада.
22.55 Актёрлар пасхаси.
23.45 «Рақслар, рақслар, рақслар». Россия ва АҚШ бал рақслари юлдузлари.

Душанба, 4. V

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 Мультфильм.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Юлдуз тўла осмонда».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
19.20 «Яхшидан боғ қилади».
19.45 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.00 «Тилга эътибор».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.35 Тижорат хабарлари.
21.00 «Жигаристонлик жигарбандлар». Видеофильм.
21.40 «Саҳна ва саҳна ортидан». Муқимий номидаги ўзбек Давлат мусиқий театрига ташриф.
22.40 «Марияга аталган олмослар». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза» хабарлар.
20,10 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Ҳамшаҳарлар».
21.25 «Шарқ дурдоналари».
22.15 «Лаҳза» хабарлар.

● «ОРБИТА-IV»

I канал

Останкино

7.00 «Флёновода фольклор байрами».
7.30 «Шамимни қабул қил». Телефильм.
8.00 Мультфильмлар.
8.40 «Бумеранг».
9.10 «Циркни ҳамма севади». Екатеринбургдан кўрсатилади.
9.55 «Европа плюс».
10.40 Ойнаи жаҳонда биринчи марта «Мария, Мирабелла Транзисториада». Болалар учун бадиий фильм.
11.50 «Номаълум Тарасова».
12.35 «Типратикан, кучук ва Нико исмли бола. Мультфильм.
12.50 Янгиликлар.
13.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
14.40 Даврани кенгроқ олинг.
16.25 «Нима учун!» телевизион публицистик ҳужжатли фильм.
17.20 Концерт.
17.30 «Тасвирдаги суврат». А. Горбунов.
18.05 Янгроқ «Голеон». Телевизион бадиий фильм премьераси.
19.05 Е. Образцова концерти.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20,00 Янгиликлар.
20.20 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Россия-Канада терма командалари. 1 ва 2-даврлар. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.
22.00 Катталар учун мультфильм.
22.10 «Супермодель-92».
23.00 Янгиликлар.

• ҚУТЛОВ •

Э Л ХИЗМАТИГА БЕЛ БОҒЛАБ

Эпчиллиги, ташкилотчилиги ва ҳаракатчанлиги билан эл эътиборини қозониб келаётган таниқли журналист Шавкат Миралимов ҳақида ёзиш олдидан анча ўйланиб қолдим. Кўз олдимда ҳамиша салом-аликни канда қилмайдиган, куйди-пишди, серғайратлиги, тезкорлиги ва билимдонлиги билан ажралиб турадиган ҳамкасбим гавдаландию унинг фаолиятини тўлиқ очиб бера олармикинман, дея иккиланиб қолдим. Бу бежиз эмасди. Шавкат Миралимов фақат ўз устида мунтазам ишлайдиган ижодкоргина бўлиб қолмай, кўп йиллардан буён турли масъулиятли лавозимларда хизмат қилиб келаётган, ўзига ва бошқаларга бирдек талабчан, умрини зое ўтказмайдиган, вақтнинг қадрига етадиган, қатъиятли кишилар тоифасига мансуб бўлган олим ҳамдир. Марҳум домламиз Тўғон Эрназаровнинг бир даврада Шавкат ҳақида айтган сўзлари ҳам ёдимга тушиб қолди: «Шогирдим Шавкатнинг қалбида аланга жўшиб туради, у одамлар ташвиши билан яшашни мақсад қилиб олган. Илмда ҳам бир жойдан чиқишига ишонаман».

Профессорнинг ана шу гаплари руҳ бағишладию қўлимга қалам олдим.

Шавкат Аббосович Тошкент Давлат дорилфунунида ўқиб юрганидаёқ фикрий доирасининг кенглиги, билим олишга бўлган қизиқиши, жамоат ишларидаги жонкуярлиги билан оғизга тушди. Ўқитувчилар мулойим, камтар йигитчада ўқитилаётган бизмларни пухта эгаллашдан ташқари, илм билан шуғулланишга иштиёқ кучли эканлигини тез пайқадилар. Уни талабалар илмий жамиятига жалб этиб, ўз изларидан эргаштирдилар. Шавкатжон ўша пайтлардаёқ рўзномаларда катта-кичик хабарлари, долзарб мавзудаги мақолалари билан бот-бот кўринадиган бўлиб қолди. Йиллар давомида ўз ижодий фаолиятини шакллантириш йўлида қунт билан изланди.

Дорилфунунни тугатгач, жўшқин ҳаёт даври бошланди. У турмушдаги икир-чикирларни янада чуқурроқ ўрганишга киришди. Бу орада ёш йигит катта ҳаёт мактаби — Армия хизматини ҳам ўтаб келди. Бурчини бажариб қайтгач, вилоят партия комитетида матбуот шаҳобчасининг мудири, тарғибот бўлими мудирининг ўринбосари лавозимларида хизматини масъулият билан бажарди. Бу лавозимларда ишлаб юриб ҳам илмий ишдан кўнгил узмади. У журналистикада малакали кадрлар етиштириш муаммоларини ўргана бошлади. Бу ўрганиш илмий тадқиқотга айланди. Ниҳоят изланишлар маҳсули бўлмиш илмий иш юзага келди, уни ёқлади ва унга тарих фанлари номзоди илмий даражаси берилди. Бу вақтда у Москвадаги ижтимоий фанлар академиясининг тингловчиси эди. Уни тугатгач, яна вилоят матбуот бошқармасининг бошлиғи сифатида ўз ишини давом эттирди. Дорилфунун журналистика куллиёти билан мустаҳкам алоқа боғлади, энди у ёш журналист мутахассислар тайёрлашга ишларига астойдил кўмаклаша бошлади. Айтишга осон: ҳам катта бир бошқармада бошлиқ, ҳам талабаларга дарс бериш, ҳам жамоат ишларида фаол қатнашиш — бу ҳамманинг қўлидан келавермайди.

Олим, доцент Шавкат Миралимовнинг журналистика майдонидаги барча ишларини бирма-бир санаб бериш мушкул. Зероки, давр руҳини тез илғаб оладиган қаламкаш тилга олмаган мавзулар кам. Лекин булар орасида Ш. Миралимов қадимий, анъанавий байрамимиз Наврўз қатағон қилинган йилларда бу айёмни ёқлаб республика, вилоят, шаҳар рўзномаларида, радио, телевидение дадил чиққанлигини журналистлар алоҳида эътироф этишади. Унинг ана шу мақолалари сўнгги йилларда Наврўз ҳақида яратилган бир қатор китобларига ҳам асос бўлди.

— Мана, менинг иш столимда роппа-роса 20 дона рўзнома, — деб ёзади журналист-ёзувчи Оқилжон Ҳусанов, «Гулистон» жаридасининг шу йилги 3—4 сонларида. — Ҳар қайсисида Наврўз байрами тўғрисида нимадир айтилган, айрим амалдорлар томонидан «ўлдирилган», байрамни «тирилтириш»га ҳаракат қилинган... Рўзномаларни варақлай бошлайман. «Тошкент оқшоми»нинг 1988 йил 28 январида чиққан сони. 3-саҳифада «Халқ анъаналари — халқ зийнати» рукни остида «Наврўз — янгиланиш байрами» сарлавҳали мақола чоп этилган. Мақола муаллифи тарих фанлари номзоди Шавкат Миралимов. «Ёш ленинчи» рўзномасининг 1988 йил 2 март сони. Сўнгги саҳифанинг юқорисида «Халқ севган шодиёна ёки Наврўз ҳақида ўйлар» сарлавҳали мақола. Муаллиф... Шавкат Миралимов. Мақолани ўқиган кишининг муаллифдан миннатдор бўлиши, унинг жасоратига қойил қолиши тайин. Чунки 1988 йилда ҳали Наврўзни қатағон қилганларнинг қамчиларидан қон томиб турарди».

Шавкат Миралимов фақат Наврўз жонкуяригина эмас, у элимизнинг барча қадимий урф-одатлари, ҳаётий анъаналарининг фаол тарғиботчиси ҳамдир. Бу жиҳатдан олганда унинг ташаббуси билан ташкил этилган ва ўзи раислик қилаётган «Истиқлол» маҳалласидаги фаолияти эътиборга лойиқдир. Маълумки, маҳалла бошқаруви — миллатларнинг ўзаро иноқ яшашлари, тартиббузарликнинг олдини олиш, оилавий ихтилофларга барҳам беришдаги ўзига хос кучли воситадир. Ана шуларни ҳисобга олиб Ш. Миралимов кўп қаватли уйларда тузган маҳалла Қўмитаси жуда кўп хайрли ишларни амалга оширмоқда. Фрунзе район Кенгаши бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Маҳалланинг мустақил очган жорий ҳисобига озгина бўлсада, маблағ ўтказиб берди. Район ҳудудидаги корхоналар ҳам қараб туришмади. Баҳоли қудрат қўллаб-қувватлашди. Шу тарзда маҳаллада болалар майдончаси вужудга келди. Ёлғиз қарияларни моддий йўқлаб туриш одат тусига кирди. Уюм-уюм бўлиб ётган ахлатлар йўқолди. Болалар поликлиникаси оталиққа олинди. Савдо, даволаш муассасалари хизмати назорат қилина бошланди. Маҳаллада соғломлаштириш — саёҳат, нашриёт-матбаачилик кичик корхоналари очилди. Улардан ўтган йили тушган 60 минг сўм маблағ маҳалла эҳтиёжидан ташқари яна кичик корхоналарни кенгайтириш, янгиларини очишга сарфланмоқда. Энг муҳими, йиллаб бир-бирларини танимай келган одамлар ўзаро яқинлашиб, бир-бирига дўст-қадрдон бўлмоқда.

«Истиқлол»да уюштирилган штаб эса турли мазмунда арз ва шикоят билан келган маҳалладошларнинг мушкулларини осон қила бошлади.

— Биз Шавкат Миралимовнинг ҳар ишга бош-қошлигидан миннатдормиз, — дейди маҳалла қўмитаси аъзоси А. Тўхтаев. — қандай тадбир бўлмасин, у сермазмун уюштирмоқда. Яқинда ўтган Наврўз айёми эса барча миллатдаги кишиларнинг катта шодиёнасига айланиб кетди. Ўйин-кулги эрта тонгдан кечгача давом этди. Раисимиз барака топсин.

Маҳаллада Шавкат Миралимов ҳақида бундай илиқ сўзларни кўплардан эшитиш мумкин. Зероки, у одамлар ишончини оқламоқда. Ш. Миралимов район маҳаллалар комитети мувофиқлаштириш Кенгаши раиси, Тошкент шаҳридаги худди шундай кенгаш раисининг ўринбосари сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Давлат ва жамоат ишларида ана шундай баракали фаолият кўрсатиб келаётган журналист Шавкат Миралимов бу йил эллигинчи баҳорини нишонлаяпти. Бу унинг ҳаётида нурли довон. Биз ҳамкасбимизни ана шу қувончли куни билан чин дилдан табриклаймиз. Унга сиҳат-саломатлик, ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Эл ташвиши билан яшаш йўлидаги барча орзу-умидлари рўёбга чиқаверсин.

Сандвали ҲАСАНОВ.

МАҲАЛЛА ВА МАКТАБ

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛДИ

ОКТЯБРЬ ноҳиясидаги Оқлон маҳалла қўмитаси ва шу ердаги Саъдулла Исмаилов номли 141-ўрта умумий таълим мактаби раҳбарлиги ҳар соҳадаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқдалар.

Куни кеча ўқув маскани-нинг мажлислар залида мактаб муаллимлар жамоаси ва Оқлон маҳалла қўмитаси фаолларининг биргаликда ташкил этган учрашувлари ҳам шу мақсадга қаратилди. Унда маҳалла ва мактаб ўртасида ҳамкорлик қилиш юзасидан тузилган шартнома лойиҳаси атрофлича, катта қизиқиш ва манфаатдорлик билан муҳокама қилинди. Бу шартномага амал қилиш, унинг ҳамма бандларини биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб рўёбга чиқариш учун кураш, албатта, яхши самара бериши таъкидланди.

Йиғилиш охирида Оқлон маҳалла қўмитаси ва 141-мактабнинг ўзаро ҳамкорлиги юзасидан тузилган шартнома тасдиқланди. 22 банддан иборат бу ҳужжатда кўплаб тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Мактаб билан оила алоқасини яхшилаш мақсадида очиқ эшиклар куни ўтказилади. Маҳалла фаоллари ҳар шанба куни мактабга ташриф буюриб, бир ҳафталик таълим-тарбия ишлари натижалари билан танишадилар. Маҳалладаги энг яхши оилалар, намунали хулқли ва аъло ўқийдиган ўқувчилар оиласи билан мактабда учрашувлар уюштириб турилади. Бу ерда «мактабимиз ўқувчиси яшайдиган фахрий оила» мавзуида кўргазма лавҳалари, маҳаллада ва мактабда «Ибратли ота-она, ибратли бола» фахрий лавҳалари таъсис этилади.

Шартномага қатъий риоя қилиш икки томонга фақат наф келтиради.

Йиғилиш якунида шундай хулосага келинди.

И. ТУРСУНОВА.

КЕЛИНЧАК

• *Қатра* •

Ҳаётда баъзан шундай кунлар бўладики, беихтиёр бутун вужудингни ҳаяжон қамрайди. Энтикиб олган нафасингдан на фақат атрофингдагилар, ҳатто олисдагилар ҳам баҳраманд бўлаётгандай.

Бегуноҳ қоғозни қоралашни истаган шу дақиқаларимда ўша ҳаяжонли энтикишларинг қулоқларим остида ажиб куйга ҳамоҳанг янграмоқда, дугонажон.

Тошойна қаршисида, қизларнинг кўмагида оппоқ либосни кияётган дақиқаларингда мен ҳам шундай энтикдим. Ҳуснингга маҳлиё бўлиб, гоҳ у ёндан, гоҳ бу ёндан ўзингга назар солдинг. Ҳаё нури порлаб турган юзингни шошиб яширдинг.

Ҳа, азизам. Ўзинг сезмаган ҳолда гўзалсан! Лов-лов ёнаётган ёноқларинг шуъалаларидан кўзларим қамашди. Сенга нима бўлди? Нега мужгонларингдан марварид ёшинг думаламоқда?..

— Ойижон, меҳрибоним. Қаранг, мен ҳам сиз орзу қилгандек келинчак бўлдим. Лекин, Сиз... Сиз буни кўролмай кетдингиз-ку! Қизингизнинг пешонасидан ўпиб, бахт тилолмадингиз...

Сен онанг сурати қаршисига тиз чўкдинг. Суратни кўксингга босиб, ўксиб-ўксиб йиғлайсан. Шол рўмол остидан боқиб турган кўзларидан ўпиб-ўпиб йиғлайсан: «Ойижон, бир дақиқага бўлса-да, қайтинг. Менга бахт тиланг. Эшитяпсизми, меҳрибоним!..»

Суратни менга тутқазиб, ўзга хонадан оқ матога тугилган алланимани олиб чиқдинг. Уни ҳафсала билан ечаркансан, биз ҳайрон бўлиб бир-биримизга термуламиз.

Воажаб!... Юрагим қалқиб кетди. Бу... бу ўша-суратдаги онангнинг либоси эди. Эсингдами, иккимизнинг сочларимизга пилик ўраётганларида: «Келинлик либосим. Худо насиб этса, сизлар ҳам киясиз», дегандилар.

Узун шойи куйлак, ялтироқ товус нусха мурсак ва бежирим лозимни авайлаб кўздан кечираётганингда ҳаёлан сени шу либосда кўрдим...

Яна тошойна қаршисига келдинг. Нозик қадамларингдан оёқларингдаги жажжи кавушингнинг ғарчиллаши дилларга ором берарди. Энди қувончдан кўзларинг ялял ёнарди. Ним табассум билан ойнага боқиб, соч ўрмоқдасан. Бармоқларинг сеҳридан улар аста тўлғаниб, ажиб товланмоқда. Оппоқ шол-рўмолни бошингга ташладинг... Сен либосга қайта жон ато этдинг. Мен эса ўзимни тамоман унутдим. Агар иложи бўлса, шу кўйи умрбод қаршингда ўлтирсам, дедим...

Болакайларнинг қийқириғи-ю, машиналарнинг чинқириғидан ўзимга келдим. Ҳеч ким сенинг қаршингдан узоқлашишни истамади.

— Ҳой, куёв келди, чиқинглар! — Бу бизга берилган буйруқ эди.

Қизил гулдаста тутган ёринг остонада михлангандек қолди. Сеники сингари, қопқора кўзлари беихтиёр чақнаб кетди. Икки ёнга ўзини ташлаб, этагингни ўпиб турган кокилларинг ҳаяжондан титраётганингни ошкор қиларди. У аста одимлаб, гулдастани сенга тутаркан, оҳиста: Раҳмат! деди. Мен эса ёноқларимдан оқаётган ёшни яширолмай шошиб қолдим...

Саломат АБДУРАҲМОНОВА.

• *Одобнома*

«ЖАВОҲИР—УЛ-ПАНД»

● Энг улуғ бойлик ақл ва одобдир.
● Энг яхши совға яхши насиҳатдир.
● Ёмон сўз тилни ҳаром қилади.
● Ота-онага итоат қилиш вожибдир.
● Бировдан айб қидириш ҳам айб.
● Ўз манфаати йўлида бошқаларга зиён келтириш аблаҳликдир.
● Одамлардан гуноҳни яшириш мумкин, лекин худодан яшириб бўлмайди.
● Зулм салтанат қалъасини синдиради.
● Ҳар ким сабр қилса, Аллоҳ уни тезда яхши ниятларига етказади.
● Жоҳиллар суҳбатидан парҳез қил.
● Рост гапиришни шиор қил.
● Диёнатли мард ҳамма жойда, барча кишилар ичида азиздир.
● Бой яшасанг, ҳамма дўст бўлади.
Дўстларни камбағалликда сина.
● Вақт Аллоҳга сажда қилиш учун берилган, умрингни беҳуда ўтказмай Аллоҳга сиғин. Ўтган умрни яна қайтара олмайсан.
● Беҳуда сўзлар айтмоқдин сукут афзалроқдир.
● Баланд ҳимматли бўл, турмуш машаққатларидан қўрқма.
● Саҳоват ибодатдан яхши.
● Гуноҳни кечира билиш энг яхши хислатлардандир.
● Бировнинг гапини бўлиб, сўз қўшиш айб саналади.
● Кимнинг хушомаддан кўнгли шод бўлса, ўзини унутиб қўяди.
● Инсонлар дилини ранжитмоқдин сақлан.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

ИРИМЛАР

● Шундай ақида бор, агар эрли аёл бева аёлнинг чодрасини бошига ёпса, у тезда ўз эридан айрилади.
● Тирноқни шанба куни олиб бўлмайди, бахтсизлик келтиради.
● Сигирни қуёш ботгандан кейин соғиш, ўша сигир сутининг қуришига олиб келади.
● Кимки кечаси қўшниларига қатиқ, сут ва шу кабиларни берса, сигирининг сути қурийди.
● Оёқ-қўл тирноқларини олиб бўлгач, қуруқ ерга ташлаш керак. Шундай айтурлар:
«Тирноғинг намдадир, дилинг ғамдадур».
● Кимнинг пиёз тўғраётганда кўзи кўпроқ ачишса, хасис одам дейишади.
● Дарвеш-гадойларга бериладиган назр-ниёз ва садақалар чоршанба куни берилса, савоблидир. Бошқа кунларда бериладиган садақаларнинг ҳосияти кам бўлади.

Тожик тилидан Б. ТУРҒУНОВ таржималари.

БИР ШИНГИЛ ҚУЛГУ

ИККИ ХИЛ ТАЛАБ

ВРАЧ қабулхонасига бир кампир қиз невараси билан келди.
— Ечининг,— деб мурожаат қилди врач ёш, гўзал қизга.
— Йўқ, ўғлим! Касал у эмас, менман,— деди кампир.
— А? Ундай бўлса тилингизни кўрсатинг.

ТЕМИР ТАНГА

РЕНТГЕНОЛОГ ҳузурига келган бемор:
— Доктор, гўёки мен темир пул ютиб юборганмишман.
— Мен сиздан ҳеч нарса топмадим-ку.
— Кўрдингизми? Ҳатто сиз ҳам тополмадингиз! Хотиним бўлса, сиз мендан темир танга яширасиз деб шикоят қиляпти.

САВОЛ—ЖАВОБ

ТАРБИЯЧИ аёл болаларни ҳар хил касблар билан таништириб, сўради:
— Болалар, ошпаз нима қилади?
— Бўтқа, шўрва ва турли овқатлар пиширади.
— Дўхтир нима қилади?
— Одамларни даволайди.
— Энди айтингчи, тарбиячи опангиз нима қилади?
— Ўзи ейди, бизни жазолайди.

• РАССОМ ТАБАССУМИ •



— Вой, кўйлагинг бунча чиройли, қанчага олдинг?
— Ўзим лахтаклардан тикиб олдим, ёқдими?



— Тўйга йиққан пулларни ишлатасизми, дадаси?
— Ҳозир ул-бул олиб қолайлик. Ким билади яна...

Ш. СУБХОНОВ чизган расмлар.

• *Боланинг тили ширин*

СОҒИНИШ

КУЧАДА бир тўп болалар ўйнаб ўтиришарди. Узоқдан бувиси келаётганини кўрган Гулноза, Шаҳноза, Қудратлар чопиб бориб кампирни ўраб олишди.
— Вой, ўзимнинг невараларимдан ўргилай! Соғиндиларингми мени? — дея буви ҳар бирига биттадан хўрозқанд бера бошлади. Бир четда уларни кузатиб турган қўшнининг уч ёшли ўғли Жасурбек югуриб келиб, деди:
— Манам, сиз-зи соғиндим.

ЧАҚАЛОҚ

ОПАСИ билан меҳмонга борган уч ёшли Нилуфарни гапга тутишди.
— Бирам ширин қиз эканки, исмингиз нима?
— Нилуфар.
— Укангизнинг исми-чи?
— Чақалоқ.

ЙЎҚОЛИБ ҚОЛДИМ

КУЧАДАН ҳиқиллаб йиғлаб кириб келган икки ёшли Жамшиддан онаси сўради:
— Нима бўлди, қўзичоғим, нега йиғлаяпсан?
— Болалар билан яшинмачоқ ўйнаётгандим...
— Хўш, хўш?
— Мени галим келганда ўзим йўқолиб қолдим...

С. СИРОЖИДДИНОВ.

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР»НИНГ КУРАГИ ЕРДА

Полвонлар ибораси билан айтганда «Пахтакор»нинг кураги ерга тегди. Футболдан анча бехабар киши ҳам республика миллий биринчилиги жадвалига назар ташласа, Тошкентнинг «Пахтакор» футболчиларини тўплаган очкоси-ю, эгаллаб турган ўрнини кўриб, таажжубга тушади. Ҳа, таажжубланмай бўладими, ахир! 7 очко тўплаган пахтакорчилар ҳозирда еттинчи ўринда боришмоқда. Ўтган куни навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Тошкентликлар Нукусда «Орол» меҳмони бўлиб, 0:1 ҳисобида енгилишди. Ўйиннинг еттинчи минутида мезбон Кутебоев киритган тўпга тўқсон минут давомида пахтакорчилар жавоб қайтара олмасалар-а?! Ҳа, кечагина собиқ мамлакат биринчилигининг олий лигасида мана ман деган клублар билан тўп сурган командамизнинг бугунги аҳволи мухлисларни жиддий ташвишга солмоқда.

Чоршанба куни бўлиб ўтган саккизинчи тур ўйинлари натижалари билан таниш: «Нурафшон» — «Кимёгар» — 3:0, «Сурхон» — «Сўғдиёна» — 0:2, «Навбаҳор» — «Косонсойчи» — 1:0, «Наврўз» — «Темирйўлчи» —0:0, «Чирчиқ» — «Шаҳрихончи» — 0:0, «Трактор» — «Нефтчи» — 0:2.

Бугунгача 11 очко тўплаган Бухоронинг «Нурафшон» командаси пешқадамлик қилмоқда. «Сўғдиёна», «Навбаҳор», «Темирйўлчи» ва «Наврўз» клублари 10 тадан очко тўплаб, 2—5 ўринларни эгаллаб туришибди.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 5 майда чиқади.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

• ЭЪЛОН •

КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ШАХСЛАР ВА ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси акционерлик тижорат деҳқончилик-саноат банкининг Тошкент банки сизда мавжуд бўлган ўзгартириладиган ВАЛЮТАЛАРНИ Ўзбекистон акционерлик тижорат деҳқончилик-саноат банкининг сайёҳлар курси нархида чекланмаган миқдорда валютанинг келиб чиқиш манбаларини суриштирмаган ҳолда

СОТИБ ОЛАДИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТИ БАНКИ БОШҚАРМАСИ ва унинг жойлардаги бўлимлари Ўзбекистон Республикаси акционерлик тижорат деҳқончилик-саноат банкининг 1991 йил 26 апрелдаги 11-хатига асосланиб, аҳолидан омонат қабул қилмоқда.

Жамғармалар сўраб олингунча сақланадиган, муддатли ва жорий омонат шартлари асосида қабул қилинади.

Тошкент вилоятининг ҳамма район марказларида жойлашган вилоят акционерлик тижорат деҳқончилик-саноат банкининг филиалларидан омонат китобчасини олишингиз ҳамда жамғармангизни омонатга қўйишингиз мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ҳадича Сулаймонова кўчаси, 51-уй.

Транспортлар: 1, 10, 8, 20-троллейбусларнинг «ОДО» бекати, Метронинг «Октябрь инқилоби» бекати.
Телефон: 33-74-83.

• ЭЪЛОН •

Тошкент вилоят ўқув комбинати томонидан Мирзаева Ҳилола Урузматовна номига берилган А-004651 рақамли ҳисобчилик ихтисоси тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент ҳақиқати

МУАССИСЛАР: ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ВА «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000, Тошкент, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—3 форматида босилади.

Буюртма — F 131. Индекс: 64672. Босмга топшириш вақти — 20.30. Босмга топширилди — 19.30. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12